

Касбий таълим ташкилотлари ва касбий кўнікмалар марказларида фаолият юритаётган чет тили фани ўқитувчиларининг рейтингини аниқлаш ва рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга илова

**Касбий таълим ташкилотлари ва касбий кўнікмалар марказларида фаолият юритаётган
чет тили фани ўқитувчиларининг рейтингини аниқлаш
МЕЗОНЛАРИ**

T/р	Рейтинг индикатори	Изоҳ	Балл
1.	Хисобот йилида ўқувчилар ва (ёки) битирувчиларнинг чет тили бўйича камида B1 ёки унга тенглаштирилган халқаро сертификатни қўлга киритган.	Халқаро сертификат сифатида куйидагилар тан олинади: Инглиз тили бўйича: IELTS, TOEFL (iBT/iTP), Cambridge Assessment English Немис тили бўйича: Goethe-Zertifikat, Deutsches Sprachdiplom (DSD I/II), Test Deutsch als Fremdsprache (Test DAF), ÖSD Zertifikat Корейс тили бўйича: TOPIK (I/II) Япон тили бўйича: Japanese Language Proficiency Test (JLPT).	Ўқувчилар сони: 1) 3 нафардан 10 нафаргача – 10 балл; 2) 10 нафардан 20 нафаргача – 30 балл; 3) 20 нафардан 30 нафаргача – 50 балл; 4) 30 нафардан 40 нафаргача – 70 балл; 5) 40 нафар ва ундан юқори – 100 балл.
2.	Чет тили фани бўйича ўқитувчida ўқитаётган тили бўйича камида B1 ёки унга тенглаштирилган халқаро сертификатнинг мавжудлиги.	Халқаро сертификат сифатида куйидагилар тан олинади: Инглиз тили бўйича: IELTS, TOEFL (iBT/iTP), Cambridge Assessment English Немис тили бўйича: Goethe-Zertifikat, Deutsches Sprachdiplom (DSD I/II), Test Deutsch als Fremdsprache (Test DAF), ÖSD Zertifikat Корейс тили бўйича: TOPIK (I/II) Япон тили бўйича: Japanese Language Proficiency Test (JLPT).	Сертификат даражаси: 1) B1 ёки унга тенглаштирилган – 10 балл; 2) B2 ёки унга тенглаштирилган – 20 балл; 3) C1 ва ундан юқори ёки унга тенглаштирилган – 35 балл.

Т/р	Рейтинг индикатори	Изоҳ	Балл
3.	Чет тили фани бўйича ўқитувчи томонидан дарс берилган гурух битирувчиларининг ривожланган хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган.	<p>1. Ривожланган мамлакатлар рўйхати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан эълон қилинган ҳисоботлар асосида шакллантирилиб, Агентликнинг расмий веб-сайтида ҳамда “Xorijda ish” дастурий мажмуасида барча учун очик эълон қилинади.</p> <p>2. Битирувчининг ривожланган хорижий давлатда меҳнат фаолиятини амалга ошираётгани “Xorijda ish” дастурий мажмуасидаги маълумотлар билан асосланган бўлиши лозим.</p> <p>3. Касбий таълим ташкилоти ёки касбий кўниқмалар марказини рейтинг аниқланадиган йилдан кўпи билан бир йил олдин битирган битирувчилар инобатга олинади.</p>	<p>Битирувчилар сони:</p> <p>1) 3 нафардан 10 нафаргача – 5 балл; 2) 10 нафардан 20 нафаргача – 10 балл; 3) 20 нафардан 30 нафаргача – 20 балл; 4) 30 нафардан 40 нафаргача – 30 балл; 5) 40 нафар ва ундан юқори – 50 балл.</p>
4.	Чет тили фани бўйича ўқитувчининг таълим даражаси.		<p>1) Бакалавр – 10 балл; 2) Магистр – 15 балл.</p>
	Жами		200 балл